

Халқ Сўзи



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 3 декабрь, чоршанба.
Сотувда эркин нархда. № 244 (1761)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ОЛИЙ ҲУҚУВ ЮРТЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ТАРКИБИНИНГ ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим тизимини педагогик кадрлар билан мустаҳкамлаш, олий мактаб педагогларининг ёшларни тарбиялашдаги ролини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 1997 йил 1 декабрдан бошлаб олий ҳуқуқ юртли раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари таркибининг лавозим моошлари меҳнат ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича разрядларни ошириш ҳисобига ўртача 25 фоизга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда юқорида кўрсатилган ходимларнинг лавозим моошларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан боғлиқ бўлган харажатлар учун зарур бюджет маблағларини ажратсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Азизжўаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 2 декабрь

Тошкент вилояти ҳокимлигида иш бошлаган семинар ана шундай номланган. Уни Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамағатлари билан биргаликда уюштирди.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЖАМИЯТ”

Семинар тинловчилари давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар раҳбарлари, олимлар, тадбиркорлар, маданият арбоблари, пойтахт вилоятидаги хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллари иборат.

Семинарда айтилганидек, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий жамиятни қуриш ва янги, бозор иқтисодий тартибига эришиш жараёнида хотин-қизларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Улар Республика ҳаётининг турли соҳаларида ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар. Шу сабабли уларнинг шахс ва жамиятга оид билимларини кенгайтириш зарур. Конрад Аденауэр номидаги жамағатлари асосида махсус тайёргарлик

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

ҚИШЛОҚЛАР ЖАМОЛИ ЎЗГАРМОҚДА


Навоий вилоятида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, ижтимоий, маданий, маънавий иншоотлар барпо этиш борасида муайян нўшлар амалга оширилмоқда. Вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасининг бинокорлари томонидан жорий йилнинг ўн бир ойида 42 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жумладан, Қизилтепа туманидаги “Уртаўл юлдузи” жамоа ҳўжалигида 240 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Хатирчи туманида 10 километр, Навоий туманида 7 километр, Навоихор туманида 3 километр газ қувурлари тортилиб, хонадонларга зангори олов етказилди.

Ёрқул УМАР,
ЎЗА мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Сазейми —парламенти расиси Алфредс Чепанисни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни диёри-мизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон ҳамда Латвия Республикаси ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилгани ва республикамизда бу алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида



аҳамият берилаётганини таъкидлади. Латвиялик меҳмон

Ўзбекистонга ташрифидан қўят мамнун эканини айтиб, самимий

қабул учун Президент Ислам Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Сўхбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожини билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎЗА)

СУРАТДА: қабул пайти. М. АМИН тасвирга олган.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Юртимизда меҳмон бўлиб турган Латвия Республикаси Сазейми райиси А. Чепанис раҳбарлигидаги ушбу мамлакат парламенти делегацияси аъзолари 2 декабрь куни ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Э. Ганиев билан учрашди.

Сўхбат чоғида меҳмонлар республикамиз

нинг хорижий давлатлар билан йўлга қўйган ҳамкорлик алоқалари ҳамда бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан атофлича танишдилар.

Учрашувда Ўзбекистон билан Латвия ўртасида иқтисодий муносабатларни янада, зомон талабларига муносиб торзда

ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Шу куни Латвиялик меҳмонлар пойтахтдаги Темурийлар тарихи Давлат музейига ташриф буюриб, ноёб экспонатлар билан танишдилар. Делегация раҳбари А. Чепанис му-

зейнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Латвия парламенти делегациясига Олий Махлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов, Латвиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Вилцанс ҳамроҳлик қилмоқда.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ - ЛАТВИЯДА

Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккият қарорлари» номидаги кўлаб мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бунинг боиси — асарда кейинги юз йилликка қуриб борилаётган тинчлик ва барқарорлиги билан боғлиқ муҳим ҳамда ўткир муаммолар ўртага ташланганлигида.

27 ноябрь куни Ригада Ўзбекистон Республикаси Президентининг янги китобини катта қизиқиш билан ўқиб чиққанини таъкидлади. У мазкур китобни Марказий Осиёнинг энг долзарб минтақавий муаммолари акс этган жиддий таҳлилий асар, деб таъриф берди.

Боғлиқ бўйи барқарорлик жамағатлари президенти Я. Юрканс, мамлакат парламентининг Ўзбекистон билан алоқалар тараққийини қўллаб-қувватлаш гуруҳи райиси Я. Урбанович, Латвия журналистлари уюшмаси президенти Л. Азовск, Латвия университети проректори Й. Лацис, Латвия ширкатчилари уюшмаси бошқаруви райиси Страутиньш ва бошқалар чиқишларида Ўзбекистондаги сиёсий

ҳамда иқтисодий ислохотлар, республикамизнинг халқаро майдондаги ижобий қадамлари, икки томонлама Ўзбек-латвия алоқалари тараққийининг изчиллиги ва узулсуз ривожланишига ижобий баҳо берилди.

Тақдимнома маросимининг барча аъзоларига, жумладан Латвия Президентининг сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси К. Эйхенбаумс ва маданият ишлари бўйича маслаҳатчи Р. Паулсларга Ўзбекистон Президентининг янги китоби тақдим этилди. Дарвоқе, мазкур янги асар билан фақат тақдимнома иштирокчиларига танишмайдилар. Яқинда мамлакатимиз элчионаси томонидан Латвия университетига ушбу асарнинг юзга яқин нусхаси ҳамда Ўзбекистон Президентининг бошқа китоблари, республикамиз тарихи ҳамда маданиятига оид китоблар ва қўланмалар тантанали равишда топширилди.

«Жаҳон» АА

Республика Бош вазирлиги ўринбосари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги А. Муҳиддинов раҳбарлигидаги комиссия икки кун давомида Бухоро вилоятида бўлди. Комиссия келгуси йил ҳосилини таъминлашга қаратилган дала ишларининг қай тарзда амалга оширилаётганини билан яқиндан танишди.

Бухоро вилояти ҳоким-

КҮН ТАРТИБИДА: КЕЛГҮСИ ЙИЛ ҲОСИЛИ

лигида туман ҳокимлари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари ва бошқа масъул идоралар раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кенгайтирилган йилги таъкидланди. Уни вилоят ҳокими С. Хусенов бошқарди.

Йилги таъкидланди. Уни вилоят ҳокими С. Хусенов бошқарди. Ийгилишда Республика комиссияси ҳулосалари таҳлил этилиб, дала ишларининг боришини жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Зарур агротехник тадбирларнинг таъминлаш, барча ишларни уюштуруш билан таъкидланди. Уни вилоят ҳокими С. Хусенов бошқарди.

(ЎЗА)

ХАЛҚНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганга беш йил тўлди. Ана шу кўтул сана арафасида ЎЗА мухбири Исроилнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ноах Гал Гөндлер билан сўхбатлашди.

— Аввало ўзбек халқини яқинлаштириб келётган катта байрам — Конституция кунини билан табриклишимиз истар эдим, — дейди Ноах Гал Гөндлер. — Чунки, меҳнат мамлакатимизда, мустақиллигимиз эълон қилинганга ярим аср тўлаётган бўлса ҳамки, ҳали-ҳануз Конституция қабул қилинган йўқ. Бу борадаги ишлар ҳозирча охирига етказилмаган. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ўз Конституцияга эга бўлди. Бу катта муваффақият, албатта. Менда Ўзбекистон Конституциясининг инглиз тили-

даги нусхаси бор. Уни ўқиб чиққанман ва айтишим керакки, Конституциянгизга мавжуд шароит, халқининг ўзини ҳақ ҳаёт тарзи инобатга олингани ҳамда ривожланиш Фари давлатлари таърибаси синдирилгани билан эътиборга лойиқдир.

— Сиз бошқа давлатларнинг Конституциялари билан ҳам танишсан, албатта. Ўзбекистон Конституциясининг жаҳон андозаларига, умуминсоний қадриятларга қай даражада мослиги ҳақида нима дея оласиз? — Мен талабалик чоғларимда кўлаб давлатларнинг

Конституциялари билан танишман. Ушанда собиқ СССРнинг конституцияси ҳам қўлимдан ўтган. Бироқ, ҳаммамизга маълумки, бу конституциянинг энг яхши моддалари ҳам фақат қозғалдигина акс этган, ҳаётда эса уларга амал қилинмасди.

Бу ўринда шунини таъкидлашим истардим. Ўзбекларнинг йиллар давомида турли миллат вакиллари қаторида, яҳудийлар билан ҳам ёнма-ён, тинч ва мурося қилиб яшаб келган халқлар. Бу инсонийлик тушунчалари халқининг қон-қонига сингир кетган. Мазкур тушунчалар Конституциянгиз моддаларида акс этган ва бу ҳол уларни ҳаётга жорий қилишда қўл келди.

Юртингизга келишдан аввал мамлакатингизда яшаган

ва уни яхши билган одамлар билан учрашганман. Улар менга халқингиз, жаннатмакон улкангиз ҳақида тулқинланиб гапириб беришган эди. Бу ерга келган дастлабки кунлардаёқ уларнинг айтганлари айни ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилдим.

— Ҳар бир давлат ўз Конституциясини қабул қилар экан, халқнинг тарихи, миллий ва маънавий қадриятларини ҳисобга олади. Шунинг учун ҳам конституцияларда халқнинг оруз-умидлари, хоҳиш-иродаси акс этиб туради...

— Фиркингизга қўшиланган, ҳар бир давлат конституциясинда халқнинг тарихи, маънавий қадриятлари, миллий анъана ва улумлари, маҳаллий шарт-шароит акс эт-

ган моддалар жой олиши жуда муҳим. Ўзбекистон Конституциясинда ана шу сифатлар ўз аксини топган. Конституциянгиз халқингизнинг бой анъаналарини ўзинга жамлаган, жамиятининг келажакдаги фаровон ҳаётини қуришда маъсул-иятли ва муҳим вазифани бажаришда пойдевор бўладиغان Асосий қонундир.

Аслида, биз энг ривожланган Фарб давлатлари, масалан, АҚШ ёки Буюк Британияда қабул қилинган Конституцияларни мисол қилиб олишимиз ва уни тўғридан-тўғри қўйиб олишимиз ҳам мумкин. Бироқ, бу тўғри йўл эмас. Зеро, ҳар бир Конституция ушбу давлат ва халқнинг ўзига ҳос анъаналарига, маънавиятига, қадриятларига сузилиши ва айнан шу халқ манфаатларига хизмат қилиши лозим. Конституциянгизда ана шу сифатлар эътибордан четда қолмаган.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши

ҳусусида ҳам фиркингизни билмоқчи эдим.

— Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Уйлайманки, ҳозирги асосий вазифалардан бири икки мамлакат халқларининг бир-бирини яқиндан таниши, билиши учун зарур шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Икки давлат ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётгани қувонarliдир. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ҳозирча 30 миллион АҚШ долларини атрофида. Бу кўрсаткич икки томонни ҳам қониқтирмайди, албатта. Чунки, имкониятларимиз ва иқтисодий салоҳиятимиз бундан каттароқ кўрсаткиччи тақозо қилади.

ЎЗА мухбири
Сайдмурод РАҲИМОВ
сўхбатлашди.

АЙЛАНДИ
МИЛЛАТЛАР
СОАТ
СЕШАНБА
ХАВАРЛАРИ
ХУРМАТЛИ ТАХРИРИЯТ!

ФАРОЙИБ МУСОБАҚА

«Жиззах вилояти Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан 264 та корхона ва таъкилот назоратдан ўтказилди. Қонунга ҳилоф равишда йўл тутган 104 нафар кишига маъмурий жараима қўйилиб, белгиланган миқдорда жарима ундирилди, — деб ёзилиб журналист Парда Тожибоев. — Шуниси ачинарлики, биринчи Жиззах шаҳрининг ўзида 25 та таъкилот атоф мўхитини ифлослантиришга «улкин ҳисса» қўшиб келмоқда. Жиззах ҳамда Дўстлик ун комбинатлари, Жиззах ип йиғирув фабрикаси, Галларол тўш заводи, Пахтакор, Иржар, Жиззах пахта тозалаш заводи соф ҳавога зарарли чиқиндилар чиқариб, пещадамлик қилдилар. Аммо, бу «илгор» таъкилотлар белгиланган қонун асосида жарима тўлашга мажбур бўдилар.

«ХАЛҚ СЎЗИ»МИ?

НИШОНДАН АВТОБУС ҚАЙТМАДИ

— Сизни «Нишон тонги» газетаси масъул котиби Норменги Алонов бевотта қилаётти.
— Эшитамиз, ҳамкасб.
— «Оқ олтин» билан Нишон темир йўли оралтидаги 13 чакирим йўлга қатнайдиган автобусни одамлар икки ой олдин қўришган эди. Шунча вақтдан бери Нишонга кетган куйи ҳали ҳам қайтмади. Тумандаги 132-автокорхона раҳбарлари арз-ҳолимизни эшитсалар-да, ҳамон мум тишлаб ўтиришибди.

ОББО!

ЮРАГИНГА БАЛЛИ, ОПАСИ

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг 8-сонли маскани ходимлари Тошкент — Екатеринбург поезидини 5-вагон йўловчиларини божхона назоратидан ўтказайтганларида Фаргона вилоятида яшовчи 35 ёшли З. Мурсованинг кўл юки орасидан 3 килограммга яқин гиёҳандлик моддаси — «опий» топиб олдилар, — деб хабар бериб давлат божхона кўмитаси матбуот бўлими бошлиғи Мирқарим Мирсоёров.

Назорат пайтида ўзини бепарво туташга уринган жувон сари фой бўлишига ишонмаган эди. Начора... Божхоначилар ҳам анойимаскан.

Ҳозир бу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 273-моддаси билан жиноий иш қўзғатилди.

АСТАФИРУЛЛОХ!

БОЛАФУРУШ «ОНА»

«Труд» газетасининг ёзишчи кўпна-қундуз кўни Москва кўчаларининг бирида 27 ёшли Лариса исмида аёл бир ярим яшар эвдасини 23 миң долларга сотиб олган. Бу қабихиш кўли қўриган оштинила инсоний қадр-қиммат, эзгу тушунчаларни оёқ ости қилиш билан бирга барча дунё оналарининг юзига лой чалади.

Иши ўнгидан келганига суянган Ларисанинг қиркин қилмиши эса... тез орада ҳаммага маълум бўлиб қолди. Шуниси қўлиқчи, чақалоқнинг «харидори» Россия телевидениесининг мухбири бўлиб чиқди. У газеталардан бирида «Фарзанд асраб олзучилар...» учун беришган эълонни ўқиб қолган, бу иш билан шуғуллана бошлади. Журналистик текширув натижаси қолмади... Телемухбир чақалоқни пулга алмаштириш жараёнини «бир кун келиб Лариса фикридан қайтиб қолган тақдирда асос бўлиши учун...» очик ойдий видеокамерада тасвирга олди. Бунга «сотушчи она» ҳам рози бўлган. Ана шу ҳолат юзасидан олти ой текширув ўтказилди. 28 ноябрь кўни эса суд жараёни бошланди.

МАНА БУ БОШҚА ГАП!

ИККИ МИНГДАН БЕШ МИНГГА САКРАЙМИЗ

Кеча сазетамизнинг Сирдарё вилояти бўйича ўз мухбири А. Хонимқўлов билан телефонлашдик. Ушбу вилоятда «Халқ сўзи» обуначилари бошқа жойларга нисбатан анча оз эди. Унинг таъкидлашича, вилоят ҳокимлиги бу масала билан жиддий шуғуллана бошлабди. Қўрсаткич бўйича энг орқада бўлган Сирдарёда барча таъкилотлар «Халқ сўзи»га 2 декабрдан бошлаб ётпасизга обуна бўлишяпти.

Бунинг учун вилоят раҳбарларига миннатдорчилик билдирамиз.

Мухбиримиз сўзининг охирида ўзини хос гап қилди: «Худо хоҳласа, 2-5 декабрь кўнлари обуна кўрсаткичи 2 миңдан 5 миңга сакрайди...»

Айтганингиз келисин, биродар!

Соат милларини Қўчқор НОРҚОБИЛ қузатди.

МАЪНАВИЯТ

«Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига гамхўрлик қилади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан

Президентнинг «Хоразм Маъмур академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони маънавий ҳаётимизда йирик ҳодисадир. Фармон ижросига киришилганига ҳам анча бўлди. Уни амалга ошириш ишлари бошланиб кетди. Агар шу Фармон билан Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган тантанادا Президент сўзлаган нуқта матни солиштириб ўқилса, гоийиб яхлитликини кўриш мумкин. Демак, Фармон ижросида ҳам нуқта дастуруламал қилиб олинса, мақсадда мувофиқ бўлади. Президент нуқтада тарих-замон-кеलाжак муаммолари, уларни ечиш йўллари, кеча-бугун-эртага доир вазифалар, уларни амалга ошириш воситалари тилга олинган ва аниқ белгилаб берилган.

Нутқда «Бундан минг йил муқаддам оламдод тарихдаги илк академиялардан бўлиши — Маъмур академияси Хоразм замида ташкил тогани билан ҳар қанча фахрланасак арзийди, албатта. Уйламанки, биз Маъмур академиясини Хоразм замида қайтадан ташкил этсак, кўп улуг иш бўлур эди», деб умид билдирилган эди. Кўп улуг иш бўлди — ўша умид ушалди — Хивада Маъмур академияси қайта ташкил этилди.

Фармонда маъмур академиянинг асосий илмий ва ташкилий вазифалари олти йўналишда бўлиши белгиланди. Булар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчи: илм-фан соҳасидаги қадимий улуг миллий мерос асосларида юқори интеллектуал муҳитни яратилишига боғлиқ аъёнларни тиклаш ва ривожлантириш, ёш истеъодли олимларни излаб топиш, уларни Академия фаолиятига жалб этиш ва илмий ишлари самаралорлигини юксалтиришдир.

Иккинчи: қадимий миллий илм-фан соҳасидаги бой меросни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш, тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида фундаментал изланишларни олиб бориш, замонавий илмий мактаблар яратиш ва фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишдир.

Учинчи: минтақада илм-фан билан боғлиқ барча ишларни замон талаблари даражасида мувофиқлаштиришдир.

Тўртинчи: олий маалака илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашдир.

Бешинчи: кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишда фаол иштирок этиш, улуксиз таълим тизими ва фан ўрта-сидига узвий ўзаро манфаатли ало-

қилиш эълон қилинган, орадан уч ҳафта ўтгач, Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейи республика ва халқаро миқёсда тантанали равишда кенг нишонланди, кейин Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Маъмур аз-Замхшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрор валий сингари буюк алломаларнинг юбилейлари ўтказилди. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги жаҳон миқёсда маданий воқеалардан бири бўлди. Ва ниҳоят шу

ни билишимиз ҳам қарз, ҳам фарз-дир. Тарих ибрат мактаби, ўтмишда йўл қўйилган нуқсонларни англамоқ ва уларни яна такрорлаб қўймастик-ка чорловчи, эҳтиёткорликка, сезгир ва ҳушёрликка, ташқи ва ички дитналарга уммасликка, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликка ундовчи кўзгу мактабдир.

Тарихнинг қораламаси бўлмайди. Тарихнинг оққа кўчириб олинган нусхаси бўлмайди. Тарих бир марта ёзилади. Тўғрироғи, тарих то бизгача

Булар — Салжўқийлар, Газнавийлар ва Хоразмшоҳлар.

Бу ўринда сулолаларни тилга олишдан мақсадимиз шуки, Хоразм Маъмур академиясида хизмат аътаж тарихчи олимларимиз тарих ёзишини сулолаларимиз-тарихини ёзишдан бошлашлар, бугунги китобхоналаримиз учун айна мудола буларди. Зотан, сулолалар тарихисиз давлатимиз тарихини, демократик, халқимиз тарихини ҳам ёзиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Нутқ матнида бу борада шундай сўзларни ўқиймиз: «Ватанимиз тарихида сийёсий жиҳатдан қудратли, иқтисодий фаровон салтанатлар бўлганига ва уларда илм, маданият-маърифат кенг ривож топаганига бутун ҳеч қим шак келтиролмайдди.

Шу маънода, Хоразмшоҳлардан Отсиз, Текиш, Эл Арслон, Султон Муҳаммад, Хива хонларидан Абдулғозий Баҳоудирхон, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) ва бошқаларнинг фозил инсонлар, маърифатли ва етук сиймолар бўлганларини эслаб ўтишимиз жоиздир.

Юқорида исмлари зикр этилган ва улар каби аждодларимизнинг фозил инсонлар, маърифатли ва етук сиймолар дейишлари ўринли, юксак баҳо ва қадрлашдир. Шундай қадрлаш йўлидан бориб, Хоразм Маъмур академиясининг тарихчи олимлари сулолалар тарихини биринчи навбатда Хоразмшоҳлар ва Хива хонлари тарихини яратилган бошқалар мақсадида мувофиқ бўларди, деб ҳисоблаймиз. Маъмурхон, Хоразмшоҳ — унвондир. 4 та сулола вақиллари ҳам шундай унвон берилган. Булар Африғийлар (305-995), Маъмурийлар (995-1017), Олтинтош (1017-1034) ва Ануштегин (1097—1231) сулолаларидир. Уларнинг сунгги вақили — Жалолитдин Мангуберди.

Хоразмшоҳлар ва Хива хонлари сулолалари ҳақида ёзма манбалар кўп, бироқ китобхон учун тайёр қилинган кам. Академик Зиё Бунёдовнинг «Озарбайжон Фанлар академияси Шарқшунослик институти томонидан нашрда тавсия қилинган «Государство Хоразмшох — Ануштегинидов» деган китобини истисно қилганда, аскар-ият тарихий асарлар бериқлама. Зиё Бунёдов китобида Туркистон ва унга қўшни мамлакатларнинг деярли 140 йиллик тарихдан ҳикоя қилинади...

Нутқда «Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айна Хоразм воҳасида қўйилган» дейилади. Бу — шафали баҳо. Қайта тикланган Маъмур академияси тарихимизнинг ноёб саҳифаларини тиклашда хизмат қилиши шубҳасиз.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ.

КўП УЛУГ ИШ

ёхуд икки ҳужжат талқини

Биринчи мақола

- Тарих-замон-келажак
● Қайта тикланган академия
● Кечмишга янгича муносабат
● Қадим Ўзбек халқисан...

қаларни ўрнатиш, академик лицейларда илмий-педагогик фаолиятни юқори савияда олиб боришдир.

Олтинчи: халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантиришдир.

Кўринадикки, қаров кенг, вазифалар улугвор.

Фундаментал изланишлар тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида олиб борилажак. Фармондаги «қадимий миллий илм-фан соҳасидаги бой меросни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш» иборасига теран ва атрофлига аҳамият берсак, унинг моҳиятига чуқур етиб борсак, яна бир фундаментал тадқиқот йўналиши — меросшунослик соҳаси ўртага қўйилганини англаймиз. Ҳақиқатда бу меросга эга бўлган, бир ярим асрча сийёсий туқунликда яшаган мажбур бўлган, миллий истиқлолга эришган, ўз меросини ўрганишга ва тиклашга киришган халқимизда меросшунослик соҳаси ҳам бўлиши табиийдир. Таърих нутқида бу масалага диққат қаратилиб, жумладан, бундай дейилган эди: «Мустантақачилик йилларида халқимизнинг сийёсий тарихи ҳар томонлама ерга уриб келинди, таъбиқ остига олинди. Бутун жаҳонга номи кетган алломалари ва мутафаккирларини саводсиз, жоҳил, илму маърифат душмани деб, таъдир этинига уришди».

Меросшунослик ҳам миллий истиқлол билан эйтак таваллуд топди, десак янглишмаймиз: мустақил-

йилнинг октябрида ўтказилган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейлари ана шу меросшунослик бўйича муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Шу нуқтадан назардан ёндошсак, Хоразм Маъмур академиясининг қайта ташкил этилиши меросшуносликдаги янги бир қадамдир, дея оламиз. Меросшунослик — барча соҳаларга бирдек тегишли — муштаракдир.

Фармонда Хоразм Маъмур академияси тарихида тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология йўналишлари бўйича илмий бўлиналар ташкил этилиши кўрсатилган. Энди ана шу йўналишлар бўйича алоҳида-алоҳида, лекин мухтасар тўхталиб ўтамиз.

Тарих йўналиши бўйича Таърих нутқида «Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айна Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Мирзо, Хитой, Хиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрат ва қадимийлигининг тасдиқидир» дейилади ифтихор билан.

Келажаги буюк давлат кураётган эканмиз, давлатчилигимиз тарихи-

ёзилиб бўлган, ёзилиб қўйилган бўлади. Тарихин қандай бўлса шундайлигича қабул қилмасликдан бошқа илож йўқ. Агар тарихини ўзгартириб ёзсангиз, у энди ўзгарган тарих бўлади. Агар тарихдан

бир нарсани тушириб ёзсангиз, энди у кемтик бўлиб қолади. Биз тарихни бирор кишининг таржамаси ҳолига ўхшатишимиз келмайди. Маълумки, таржима ҳолини ўзгартириб бўлмайди. Масалан, 85 йил умр кўрган кишини 80 йил яшаган, деб бўлмайди. Рост тарих — тарихдир, бошқачароқ тарих — тарих эмасдир. Тарих бамисли мусофқ сув. Сохташтирилган тарих лойқаланган сувга ўхшайди. Вақт ўтиши билан лойқа сув тинади, хас-хашаклар сув бетига чиқайди, қуйқалар сув остига чўкади. Сув ножинларини ўз бағридан чиқариб ташлайди — яна ўз асл ҳолатига қайтади — мусофқо бўлиб қолади. Тарих ҳам худди шундай.

Туркий халқ ўз ҳаёти йўлида 18 та буюк ва шавкатли салтанат курган ҳақдир. Инсоният тарихида бошқа ҳеч бир қавмга бундай доғ ёр бўлмаган. Салтанатлар тарихи эса бу сулолалар тарихидир. Шунинг учун ҳам ўтмишда давлатларнинг номи уларга асос солган сулолабошининг исми ёки унинг унвони билан аталган.

Биз қаламга олаётган даврда, яъни Маъмур академияси тузилган кезларда Шарқда урта буюк салтанат олдинма-кейин тарих саҳнасига кела бошлаган ва жаҳон миқёсда етакчилик қилишга киришган палла эди.

ГАЗЕТХОН МАКТУБИ

МУЗРОБОТЛИКЛАРИНИҲ ИЛИ ТУЯМИ?

Музробот туманида Музробот деган энг қадимий қишлоқ бор. У қачон пайдо бўлганини ҳеч ким аниқ билмайди.

Ҳозир қишлоқда бир ярим минг киши яшайди. Лекин ичимлик суви тармоғи умуман йўқ. Табиий газ ўтказиш тўғрисида-ку ўйлаб ҳам кўришмаган. Гапга чечан баъзи бировлар «Бу ерлик одамларнинг йили туя, сув ичишмайди. Газа ҳам эҳтиёжлари йўқ. Садаганг кетай ёзуапоя кўп», деб заҳарханда қилишди.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ, Сурхондарё вилояти.

ПУЛИМИЗНИ ҚАЧОН ОЛАМИЗ?

Кува тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасида ишлаймиз. Бизга ҳозирги кунга қадар август ойи учун маош берилмади.

Насос станцияларида ва тик кудуқларда ишлайётган хизматчиларга ҳавфсизлигини таъминлаш борасида махсус кийим-кечак, пойабзал, муҳофаза асбоб-ускуналари ҳам берилмапти. Ахир биз хавфли, юқори кучланишдаги электр энергияси билан ишлаймиз-ку!

Р. АБДУЛЛАЕВ, М. ХОЛБЕКОВ ва бошқалар.

Кўна Туронзамин шу кунларда яна бир хушхабарнинг шохиди бўлди, яна бир аламо фарҳангнинг юзага чиққанидан қувонди. Нева аспранданинг юзага чиққанидан қувонди. Нева аспрандан бунён олдларда кезиб юрган юдузи яна ўз осмонига қайтиб, еру кўкни чароғон айлағани учун бугунги кунларга, энг аввало, мустақилликка шукроналар айтади.

ОЛИС ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ

Яқиндагина республикамиз Президентини томонидан «Хоразм Маъмур академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинган бўлса, кунга кеча аллома Муҳаммад Муно ал-Хоразмий билан елкама-елка туриб ижод ва илганида бўлган улуг сиймо, фан заҳматқоши, мураббийси «Ахмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида» Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди.

Урта аср Шарқ фалсафаси, фанида, айниқса, математика, фалакшунослик, география, геодезия фанларининг билимдон сифатида шухрат қозонган Ахмад Фарғонийнинг тула исми Абул Аббос Ахмад ибн Муҳаммад Касир ал-Фарғоний бўлиб, у таъминан 797-865 йилда яшаб ижод этди. Тулиқ боғла етан юрти ҳозирги Фарғона водийсидир.

Ешилган билимга чанқоқ Ахмад Фарғоний замонавий билимларни кўн билан эгаллаб, йирик илм ва маърифат марказларида ўқишдан, излашдан, дунёқарашини бойи-

тишдан чарчамади. Тақдир уни ёрлақди. У Бағдод халифаси Хорун ар-Рашиднинг шарқий худудлардаги уринбосари, ўғли Абдуллоҳ раҳнамодлигига (Халифа ал-Маъмур) Марв шаҳри олимлари даврасида ўз ўрини топишга мушарраф бўлди.

Олимнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар жуда кам бўлишига қарамай Урта асрларда Шарқда унинг номи жуда машҳур бўлганини бери қатор тарихчи, алломалар таъкидлаб ўтади. Оврўпо Уйғонинг даврининг буюк намоёндаларидан бири, машҳур олим Региомонтан Австрия ва Италия университетларида фалакшунослик бўйича ал-Фарғоний китоблари асосида маърузалар ўқитган. Олимнинг номи Дантенинг «Илоҳий комедия» асарига ҳам учрайди.

1464 йилда Падуя шаҳрида Фарғонийхонлик ўқувлари, анжуманлари мунтазам ўтказилиб турилгани унинг, Альфараганус номи билан Шарқдан кўра Фарб, Оврўпо мамлакатларида машҳурлашиб кетганидан далолат беради.

Мухторхон АБДУРАШИДОВ, Тошкент давлат иқтисодий университетини доценти.

Олимнинг Альфараганус номи олиши голланд арабшуноси ва математиги Яков Голуус унинг фалакшуносликка доир китобини араб ҳамда лотин тилига таржима қилиб, Амстердамда 1669 йилда нашр этриши билан боғлиқдир. Ал-Фарғонийнинг олти китоби унинг шухратини оламга ёйди.

Булар «Астрономия илмининг усуллари ҳақидаги китоб», «Ал-Фарғоний жадваллари» (қўлёзма Хиндистонда), «Ой Ернинг устида ва остида бўлганда вақтни аниқлаш рисола-си» (қўлёзма Қоҳирада), «Устурлоб билан амал қилиш ҳақидаги китоб» (Хиндистонда), «Етти икким ҳисоби» (Олмония, Қоҳирада), «Устурлоб ясаш ҳақида китоб» (Берлин ва Парижда) асарларидир.

Ал-Фарғоний моҳир педагог ҳам бўлган. Ер экваторида Кўёш икки марта зенитга бўлишини, осмон кўптари горизонт текислигида бўлиши, кўпларда кеча қишга, кундуз ерга тенг бўлишини осонгина тушунтириб берган.

Олимнинг стереографик проекциялар назариясини ундан минг йил кейин буюк математик Эйлер «Русия империясининг бош картаси»ни тузишда ишлатди.

Беоҳо асарлари ва улкан кашфиётлари жаҳон олимлари томонидан тан олинган, ўрганилган, фойдаланилган ҳолда...



«ЎЗДАУАТО» қўйма корхонаси машиналарига талаб Қорақалпоғистон Республикасида ҳам сезилари даражада оиди. Қўнгина автомобиль шикўбозлари ўзларининг «Волага», «Жигули» ва «Москвич»ларини сотиб, «Тико», «Нексиа» ва «Дамас»ларни бажониди хариб қилмоқдалар. Улар учун Нукусда замонавий техник хизмат кўрсатиш шохбосчаси фаолият кўрсатаётган.

СУРАТЛАРДА: Асака автомобильларида техник хизмат кўрсатиш шохбосчаси биносининг ташқи кўриниши; харибдорлар ўзларига ёққан машиналарни тапلامоқдалар.

О. МУРОТОВ (Ўза) олган Сураатлар.



Мухторхон АБДУРАШИДОВ, Тошкент давлат иқтисодий университетини доценти.

СОГЛИФИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

СПИД касаллиги кенг тарқалиб кетаётганини ҳисобга олиб, дунё миқёсда унинг олдини олиш, курашиш дастурини ишлаб чиқди. Ҳар бир давлат ўзининг миллий дастурини ишлаб чиқпти.

Куриллаётган профилактик чора-тадбирларга қарамай СПИД йилдан-йилга кўпайиб кетмоқда. Бу эса Жаҳон халқларининг саломатлигига жиддий хавф солмоқда. БЖССТ берган маълумотга кўра, СПИД касаллиги ҳозирги кунда дунёдаги ҳамма давлатларда руйқатта олдинга бўлиб, улар дунёнинг 197 та давлатида яшамоқдалар. СПИД касаллиги вирусини юктириб олганларнинг сони ҳаммаси бўлиб, 30 миллиондан ошиб кетди, шулардан болалар — 2,6 миллион. СПИД билан оғриганлар сони 8,4 миллион, хаста болалар сони 1,7 миллион, СПИД касаллигидан ўлганларнинг сони 6,4 миллион.

Касалликларнинг давлатлар орасида тарқалишига келсак қуйидагича: Америка қитъасида — 797227 киши, Африка қитъасида — 576972, Оврўпада — 191005, Осиёда — 70949, Океанияда — 8030 киши шу хасталикка чалинган.

БЖССТ экспертларининг берган маълумотига кўра, ҳар кун дунё бўйича 8,5 миң киши касалликнинг вирусини ўзларига юктириб олаётганлиги аниқланган. Ҳар кун 1000 дан ортиқ болалар ўлиб, шундан кўпроқ болалар СПИД вирусини зарарланган экан. СПИД касаллиги Ўзбекистон Республикасини ҳам четлаб ўтмайди, бугунги кунда СПИД вирусини юктириб олганларнинг сони 45 тани ташкил этади, шундан 27 киши чет эл фуқаролари ва улар ўз давлатларини қайтариб юборилган. Қолганлари маҳаллий халқлар бўлиб, булардан битта-си домини янаш учун Россия Федерациясига кўчиб кетган, 4 киши вафот этди, қолганлари эса диспансер ҳисобида туриб, доимий равишда текширилиб, шифохонада даволанмоқдалар. Бизнинг соҳа мутахассисларини ташвишга солаётган муаммо республикамиз аҳолиси орасида ҳам гўёхандир. дун келган кишилар билан ишқий муносабатда бўлуви келгиндиларнинг борлигидир. Бундай тонфалги кишилар мавжуд экан, тулик даволаш чораси бўлмаган СПИД вирусининг юқмаслигига ҳеч қим қафолат беролмайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг яқиндан туриб берган

ёрамини тўғайли ҳозирги кунда республикада 15 та СПИД маркази, 92 та диагностика лаборатория ва юздан ортиқ ишонч хоналари халққа хизмат кўрсатмоқда. Бу СПИД марказларида диагностика лабораторияларида махсус тайёрланган утган врач ва ўрта тиббиёт ходимлари халққа хизмат кўрсатмоқда. СПИД касаллигининг олдини олишдаги муаммоларни ҳал қилишда нафақат БЖССТ, қолaversа, 1996 йил январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги БМТнинг Ўзбекистондаги ва кولاتхонасининг (БМТ)СПИД) дастури асосида ҳам иш олиб бермоқда. ВИЧни юктирмалик учун одам ўз ахлоқини тузатиши, жинсий масалага тўғри муносабатда бўлиши лозим. Бу гап ҳар бир одамга тегишли. Оила соғлом бўлса, эр-хотин бир-бирига содиқ бўлса, ана шунинг узи СПИДнинг олдини олишнинг энг осон йўлидир. Агарда сизда ўз соғлигингизни текшириб кўриш истағи туғилса, СПИД марказларида ишлаб турган ишонч хоналарига мурожаат қилишингиз мумкин. Иسمى шарфифингиз, янаш ва иш жойингиз оир сақланган ҳолда текширувдан ўттишингиз мумкин. Натияжини эса ўзингиз келиб ёки телефон орқали билсангиз бўлади.

Республика СПИД марказининг манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 16-мавзе, 12-уй, тел: 76-23-11, 76-26-72.

Тошкент шаҳар СПИД маркази: Ҳамза тумани, Янгибозор кўчаси, 2-уй, тел: 67-42-04.

Шундай ишонч хоналар Қорақалпоғистон Республикасини ва ҳамма вилоятларда ишлаб турибди.

Т. МИРЗААХМЕДОВ, Республика «СПИД» марказининг ташкилий бўлим бошлиғи.

КОНСТИТУЦИЯНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИГА МИЛЛИЙ ТИЛ РАВНАҚИГА КАФОЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» дея эътироф этилган.

«Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одат ва аъёнлари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди» деган қоида мустақамланган. Ҳақиқатан ҳам, тил — ҳар бир миллатнинг ажралмас белгисидир. Халқимизда «Тилга эътибор — элга эътибор» деган жиҳматнинг пайдо бўлиши бежиз эмас. Бу борада яна бир қонуний қадам ташланди. Икки минг бешинчи йилга қадар ёзувимиз лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўтди. Бу билан бизга жаҳон моданяти ва ахбороти маконига тўлиқ кириш учун кенг имкониятлар очилди. Ўзбек халқининг миллий моданитини ифода этувчи ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, унинг солоҳиятини изчил ва тўлиқ рўйбга чиқариш умумхалқ аҳамиятига молик вазифадир.

Конституциянинг яна бир афзаллик томони шундаки, барча фуқароларнинг эркинлиги, тили, шари, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари қафолатланган. Унинг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шакси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назор, қонун олдида тенгдирлар. Илтиёзлар қақат қонун билан белгилаиб қўйил-

ган ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт», дейлади.

Мамлакатимизда 120 миллат ва элатга мансуб фуқаролар бўлиб, улар ўзларининг бор куч-ғайратларини мустақил Ўзбекистоннинг раванқи йўлида сорфлашотир. Айни вақтда, улар тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларини бажаришни ўзларининг муқаддас бурчи, деб билишди. Бу фуқаролар ўзлари истиқомат қилаётган худудлардаги маҳаллий бошқарув ташкилотлари, меҳнат жамоалари раҳбариятининг барча талабларини сидқиқилдан адо этидилар. Хусусан, «Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳам ана шу ташкилотлар орқали амалга оширилмоқда.

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистондаги барча миллий марказлар бошқарув ишларини қақат рус тилида олиб борганлар. Эндиликда эса ҳам она тили, ҳам Давлат тили истифода қилинапти. Бунин Президентимиз ва ҳукуматнинг миллатларо тоғувлик ҳамда тил муаммолари юзасидан олиб бораётган оқилона сиёсатининг самараси, деб тушуномимиз лозим. Зеро, миллий тил сиёсати ҳам иқтисодий, ҳам сийёсий, ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Феруза РАСУЛОВА, Солижон ҲАСАНОВ, педагогика фанлари номзодлари.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛДИ

Мамлакатимиз билан дипломатик муносабатлар ўрнатган давлатлар сони яна биттага кўпайди. Бу ҳақдаги ҳужжат 27 ноябрь куни Анқара шаҳрида имзоланди. Уни Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абдуғофир Абдурахмонов ҳамда Қатар давлатининг Туркиядаги элчиси Ҳасан Али Хусейин Ан-Неъмат имзолалдилар. Маросимда Қатар давлати ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Абдурахмон Ибн Ҳолид ал-Атия иштирок этди.

«Ўзбекистон Республикаси ва Қатар давлати ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши икки томонлама муносабатларнинг ривожланиши ҳамда дунёда тинчликни мустақамлашга ҳисса қўшади, деб ишонч

«ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

«Агар мендан ҳақиқий қахрамонлик намунаси нима, деб сўрасан, хоразмлик оддий деҳқоннинг ҳар кунлик меҳнати қахрамонликдир, деб жавоб берган бўлардим».

Испом **КАРИМОВ.**

Омад бир келса, қўша-қўша келади, деганлари рост экан. Бу йил чин маънода хоразмлик деҳқонларга омад кулиб боқди. Айниқса, қишлоқ хўжалик соҳасида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилди. Ота-боболаримиз ибораси билан айтганда, Хоразмда йил туғди.

Республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини уддалаган Хоразм вилояти меҳнат-қашларига мамлакатимиз Президенти мактуб йўллаб, жумладан шундай деди: «Хоразмнинг табиий шароити мураккаб эканлиги яхши маълум; киши қаҳратон, ёзи жазирама, тупроғи шўрхок. Сувнинг ҳар бир томчиси ҳисобли. Шундай бир шароитда меҳнат қилиш, юқори ҳосил олиш, мамлакатда биринчи бўлиш замирида Сизлардаги матонат, тadbirkorлик, ватанпарварлик каби ўзбекона фазилатлар мужассам».

Хоразм табиатини, еру сувини яхши билган, шаҳару қишлоқларини эринмай кезган одам бу таърифнинг ҳаққонийлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилади. Айниқса, вилоятда қишлоқ хўжалик соҳасида амалга оширилаётган янги ислохотларни кўриб кўз қувонади, дил яйрайди. Бу йилги ҳосил чўгидан беихтиёр ҳайрат ва ҳаяжон босади.

Сафаримиз яқиндагина ўзининг кулгў 2500 йиллик тўйини нишонлаган гўзал Хива шаҳрини зиёрат қилишдан бошланди. Аэропортдан то Хивага қадар янги троллейбус йўналишининг қурилиш ишга туширилгани Хоразмда яна бир улкан маънавий ва маданий инқилоб амалга ошганлигини исботлаб турибди. Урганч — Хива йўли текис ва равонлиги, кўркам ва озодалиги билан тараққий этган хорижий мамлакатлар йўлларидан асло қолишмайди. Йўл атрофида гуркираётган боғлар орасталлиги дилни равшан қилади. Завқ-шаўқ билан Хивага бориб қолганингизни ҳам сезмай-сиз. Ҳақиқатан ҳам Хоразм шу кунларда яшил воҳага айланган. Ҳатто, Хива, Урганч кўчалари йўлакларидан, кўп қаватли уйлар атрофида, ташкилот ва корхоналарнинг ҳовлиларида бут-дой майсалари барқ уриб ўсапти. Галла мустақиллиги учун кураш ҳар бир хоразмликнинг оstonасидан, томорқасидан бошланади, десак муболага бўлмайди.

Хива Хоразм бағрида нур сочиб турган бир ҳовуч дуру гавҳарга ўхшайди. Шаҳарнинг қадимги тарихий ва маданий ёдгорликларини еру юзидан ҳеч бир ноёб мўъжизалар билан ҳам тенглаштириб бўлмайди. Тўй баҳона Хива қайта тугилибди, қайта яшарибди. Тўй руҳи, тўй таровати фақат Хивани эмас, балки, бутун

Хоразм воҳасига шуқуҳ бағишлади, қалбларни ажиб нурларга тўлдирди, бу кулгў заминдан ўтган улғу зотларнинг руҳларини яна бир бор шод этди.

— Хива нафақат Хоразмнинг балки Ўзбекистоннинг ҳам фахр ва ифтихори ҳисобланади, — дейди вилоят

жараёнларини бирма-бир таҳлил қилса, деҳқоннинг ҳар кунлик меҳнатини ҳеч бир нарса билан таққослаб бўлмайди. Ҳатто буни замонавий компьютерлар ҳам ҳисоблаб беролмас керак. Чунки бу ҳам шарафли, ҳам машаққатли меҳнат замирида ерга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ётади. Ерни ардоқлаш, ўз вақтида парвариш қилиш, тўйинтириш, сувини бериш — ҳамма-ҳаммаси деҳқоннинг онгидан, қалбидан жўй олган.

Вилоятнинг қатор туманлари ва хўжаликларидан бўлиб, илгор ва тажрибали деҳқонлар билан суҳбатлашганимизда шу нарса аён бўлдики, одамларнинг ерга,

Йўлбошчимизнинг вилояти-мизга, туманимизга келиб, ҳол-аҳвол сўраб, далаларини айланиб, тажрибали деҳқонлар билан учрашиб йўл-йўриқлар, кўрсатмалар берганлиги ҳаммамизни илҳомлантириб юборди. Мулоқот жараёнида ўзим учун қишлоқ хўжалик соҳасидаги ислохотларни жонлантиришнинг янги жиҳатларини иш дафтаримга ёзиб олдим. Бундай жонли суҳбат ҳам ҳоким, ҳам хўжалик раҳбари, ҳам деҳқон учун фақат фойдали экан.

Шакаржон опа ерни ўз жигаргўшасидек севади, ардоқлайди ва одамларни ҳам шунга даъват этади. Еرنинг бебаҳо бойлик, фаровонлик, тўкин-сочинлик манбаи эканлигини ҳар қадамда

Ҳақиқатан Хоразмда яхши анъанага айланиб бораётган ушбу ташаббусни ҳам қўллаб-қувватлаш, ҳам кенг тарғиб этиш мумкин.

— Вилоятимиз буйича 11 минг гектар ерга боғлар барпо этилган, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Тангриберди Дўстжонов. — Бу боғларнинг аксариятида музейлар ҳам мавжуд. Масалан, Алишер Навоий, Оғаҳий, Беруний, Аваз Ўтар, Абдулла Қодирий, Комилжон Отаниёзов боғларида кўплаб маънавий талбирлар ўтказиб турилади. Айниқса, сеvimли журналист «Муштум» боғини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу гўзал боғда таниқли адиблар, санъаткорлар билан кулги кечалари мунтазам ўтказилади. Хуллас, боғларимиз доим гавжум.

Шунингдек, Урганч марказида Маънавият ва маърифат хиббони қурилиб, ниҳоятга етказилмоқда. Бу ерда Оғаҳийга ҳайкал ўрнатилди. Вилоят миқёсидаги байрамлар, тadbirlar ва сайлларини шу хиббонда ўтказишни режалаштирганмиз.

Кўни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмур академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони илм аҳли қатори барча хоразмликларни қувонтирди. Була-жак академия биноси ҳам ана шу хиббонда жойлашган...

Боғлар Хоразмнинг тароватига, табиғати янада чирой бағишлаган. Бу ризқ-рўз, тўкинлик манбаи бўлиш билан бирга, инсонни маънавий баркамол этиб тарбиялашда ҳам юксак аҳамиятга эга. Уларни маънавият боғлари, деб атасак ҳақиқатга яқин бўлади.

Хоразм — азал-азалдан сир-синоатлар яширинган сеҳрли макон. Унинг ҳар бир қарич тупроғидан, ҳатто олдий қум зарраларидан ҳам тарих саси келади.


Хоразм асрлар силсиласидан бардош ва жасорат билан ўтиб, барча ташвишлар, қийинчиликларни матонат билан енгиб келаётган мардона диёр, бетакрор санъат маскани, ўлмас куй-қўшиқлар юрти...

Бир-икки сафар билан Хоразмни кашф этиб ёки бу ерда бўлаётган катта ўзгаришларни, ютуқларни батафсил қозғошга тушириб бўлмайди. Ҳали қанча-қанча соҳалар ўзининг таъсифу баънини, таҳлилин кутиб ётибди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда кечаётган ислохотлар жараёнини янги поғоналарга кўтаришда шубҳасиз Хоразм тажрибаси жиддий эътиборга арзийди. Шoir айтганидек:

*Арши ағлодан туриб
солсанг разм,
Кўзга ташлангай чаман
бир юрт-азим,
Шавнига бахш
айласанг оз минг назм
Хоразм бу, Хоразм бу,
Хоразм!*

Ашурали Жўраев.

ХОРАЗМДА ЙИЛ ТУҒДИ



ҳокими Искандар Юсупов.

Хоразм дунё маданияти ривожига ўзига хос салмоқли ҳисса қўшган, ўзининг қадим бой тарихи, юксак маънавияти, ҳайратли осори-атиқаларига эга бўлган қадимий диёрдир. XII — XIV асрларда элимизга келган машур араб сайёҳлари ва олимлари Еқут ал-Ҳамавий, Ибн Батутталар дунёдаги ҳеч бир ўлкада Хоразмдагидек ахлоқи яхшироқ, олийжа-ноброқ ва мусофирпарварроқ элни кўрмадим, деб ёзиб қолдирганлар. Бундай ҳайратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин...

Ҳокимнинг суҳбатидан шу нарса маълум бўлдики, Хиванинг тўй муносабати билан бутун вилоятда юксак сафарбарлик эълон қилинган. Ҳар бир хоразмлик қалбига анжуман руҳини сингдирилган ва шунга яраша меҳнат қилган. Уларнинг Хива билан қанчалар фахрлинишларини, гурурларини бу ерда амалга оширилган улкан ишлардан ҳам кўриш мумкин.

Бу йил Хоразм учун ниҳоятда серҳосил келди. Юқорида айтганимиздек, йил туғди. Давлатта 290 минг тоннадан зиёд пахта етказиб берилди. Бу улкан ҳосил деярли қўлда йиғиб-териб олинди. Агар Хоразмда қишда ернинг шўрини ювиш, баҳорда ерга чигит экиш, ёзда гўзани парвариш қилиш, кузда ҳосил йиғиш

деҳқончиликка бўлган муносабати тубдан ўзгариб бораётган. Улар собиқ шўролар давридаги боқиманда кайфиятда юрган деҳқонларга асло ўхшамайдилар. Энг муҳими улар мустақил мамлакатимизда кечаётган ислохотларни аста-секин тушуниб, англаб меҳнат қилмоқдалар. Деҳқон ернинг эгаси эканлигини ҳис этаётти. Хоразмдаги барча муваффақиятлар бири ана шу ўзгаришлар силсиласида рўйбга чиқаяпти. Ерга муносабат ўзгармас, деҳқоннинг қалбида, онгида ўз меҳнатига нисбатан ўзгариш рўй бермас, ислохотлар жараёни оғир кечишини юртбошимиз ҳам қайта-қайта таъкидламоқда.

— Бутунги деҳқоннинг иш фаолиятида ерга бўлган муносабатидан ислохотлар томон ўзгариш бўлмас, яхши натижаларга эришиш қийин, — дейди Богот тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Шакаржон Хўжаниёзова. — Давлатта салкам 25 минг тонна пахта етказиб бердик. Лекин бу жуда катта машаққатли меҳнат эвазига бўлди. Чунки, баҳорда айрим хўжаликларда ҳатто икки марта пахта сел ёғди. Экиш кечикди. Бироқ бундан деҳқонларимиз тушкунликка тушмадилар. Ҳам-жиҳатлик, оғизбирчилик билан қилинган меҳнат ўзининг ажойиб самараларини берди. Айниқса, терим қизгин паллада ҳурматли

уқтириб туради. У кишининг яшаш ва ишлаш шiori олдий: яъни ерга чин юракдан эътиқод, ҳолис ва ҳалол меҳнат, одамларга яхшилик қилиш... Тумандаги муваффақиятлар бу шiorнинг ҳаётийлигини исботлаб турибди.

Хоразмнинг бирор бир тумани ёки хўжалигида бўлиб, ҳоким ёки хўжалик раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, дала кезсангиз, албатта бирор янгилик эшитасиз, ижобий ўзгаришларни кўриб қувонасиз, келгуси йил ҳосили тайёргарликларига гувоҳ бўласиз.


Хоразмда бўлаётган жиддий ўзгаришлар замирида мустақил Ўзбекистон деҳқонининг матонатли, жасоратли ва самимий қиёфаси намоён бўлиб бораверади...
Буюк аждодлар хотирасига чексиз ҳурмат-эҳтиром хоразмликлар табиатининг ўзига хос жиҳатидир. Воҳа аҳли мустақиллик йилларида яна бир эзгу ва савоб иш билан мамлакатга намуна бўлди; вилоятда халқимизнинг атоқли намоёндалари шарафига 20 дан зиёд боғлар бунёд этилди. Навоий боғи, Қодирий боғи каби жозибдор гўшалар ижод ва яратувчилик туйғусига ошно бўлган ҳар бир инсонни бағрига чорламоқда», — деди Президент Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган табрик нутқида.



Сезингимиз, тупроқдан болангимиздан таниш Момо ер ҳиди анқимоқда. Ҳозир бу манзарани деҳқончилик билан шуғулланувчи барча хўжаликларда учратамиз. Қарши тумани далаларида ҳам кузги шўдгор ишлари охирига етай деб қолди. Туман деҳқонлари буғунги оғина беҳаловатлик эрта бизга қўш-қўш хазина олиб келади, дейишмоқда.

СУРАТЛАРДА: илгор механизатор Ҳақназар Махманзаров; шўдгорлаш пайти.

Ш. ШАРОПОВ олган тасвирлар.



ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК: ЯНГИЧА ТАФАККУР

Фаргона вилоятининг Учкўприк туманида бўлиб ўтган республика илмий-амалий конференция «Экологик хавфсизлик — барқарор тараққий кафолати» мавзуга бағишланди. Республика Президентининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққий кафолатлари» асаридан бу оламшумул муаммага катта эътибор берилган.

Анжуманнинг руҳи, илмий маърузалар, мутахассисларнинг чиқишларида шу китобдан келиб чиққан экологик муаммолар тўлиқ ўз аксини топди. Айниқса, дунё миқёсида экологик хавфсизлик масаласи тобора чуқур илди отаётган бир пайтда юртимизда, халқимиз орасида экологик тафаккурни шакллантириш долзарб масала эканлиги алоҳида қайд этилди. Тошкент, Наманган, Андижон ва бошқа шаҳарлардан таширф буюрган олимлар, мутахассисларнинг илмий маърузалари, чиқишлари шу мавзуда бўлди.

Конференция қатнашчилари атроф-муҳит мусофалогини сақлаш, бу борадаги муаммоларни биргаликда бартафр этишга даъват этувчи, республика аҳолисига қаратилган мувожазнома қабул қилдилар.

Учкўприк туманидаги «Учкўприк» жамоа хўжалигида конференция қатнашчилари «Экосан» боғини барпо этишди. Конференция ишида Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Бедржих Колепки қатнашди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» муҳбири.

БОЖХОНА ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ СЕМИНАРИ

Термида Республика Давлат божхона қўмитасининг контрабанда, гнётландлик ҳамда божхона қондалари бузилишига қарши кураш самарадорлигини оширишга бағишланган икки кунлик семинар-кенгаши ўтказилди.

Унда ҳудудий божхона бошқармалари томонидан 1997 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар якуни кўриб чиқилди. Божхона ходимлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Шунингдек, анжуманда Давлат божхона қўмитасига ҳуқуқий муҳофаа қилиш органи мақоми берилганлиги муносабати билан ходимлар тайёрлашни яхшилаш, тезкор қидирув фаолияти билан шуғулланиш, гнётланд моддалар ва қурол-яроғнинг республикамиз ҳудудига олиб кирилишига қарши курашни кучайтириш, кинология хизмати ривожлантириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Семинар-кенгашида Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев сўзга чикди.

(ЎзА).

АПИФЕН

Мушак оғриқларини қолдирмаган инсончи, самарали восита.

Қўнғи 4ч маҳал 1-2 таблеткадан

Шаҳар дорихоналарига мувожаз қилинг. 89 / сурхондарё вилояти фаргона шаҳри

SIEMENS NIXDORF

1

2

3

Системали интеграция
Асбоб-ускуналар ким томонидан ишлаб чиқарилганидан қатъи назар биз улар билан системали интеграцияни амалга оширамиз. Биз ПК, UNIX, Mainframe каби турли дастурли платформаларни ўзаро боғлаймиз. Юқори даражадаги системали интеграция.

Асбоб-ускуналар қудрати ва энг қулай қарорлар қабул қилиш
Турли даражадаги серверлар сулоласи: энг қичигидан то энг юқори даражада ишлаб чиқара оладиганигача. Ҳар қандай ҳолатда ҳам энг қулай қарор қабул қила олиш. Юқори даражадаги аппарат қуввати.

Омилкорлик
Системаларнинг очиклиги стратегик шериклик алоқаларига тайёрлик демакдир. Биз дастур ва аппаратлар билан тазминловчи дунёдаги энг яхши ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қиламиз. Юқори даражадаги кучли шериклар.

Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхона
А. Топтой кўчаси, 23,
700000, Тошкент
Телефонлар: 132-03-14, 40-67-50.
Факс: 40-64-02

Siemens Nixdorf: User Centered Computing

ТАШКИЛОТ

Лак-бўёқ махсулотларини энг арзон нархларда сотади.

1. Цинки оқ бўёқ	1 кг 130 сўм.
2. Ёгли кўк бўёқ	1 кг 125 сўм.
3. Ёгли пол бўёғи	1 кг 120 сўм.
4. Шифт учун қизил-жигарранг бўёқ	1 кг 120 сўм.
5. Оқ эмаль	1 кг 200 сўм.
6. Пол эмали	1 кг 190 сўм.
7. Кўк эмаль	1 кг 190 сўм.
8. Олифа	1 кг 110 сўм.

Улгуржи харидорлар учун нархлар 5% арзонлаштирилган.

Тел./факс (8-3712) 79-85-13, 79-82-12

Тошкентдаги омбордан **Қўриқлаш мосламалари тизими**

Vinlad

- Ўзбекистонда татбиқ этишга рухсат берилган;
- беш йиллик кафолат;
- замонавий услуб, оддий монтаж;
- оқилона нархлар, сийлов тизими.

Монтаж ишлари олиб борувчи ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этамиз.

Vinlad

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй.
Тел.: (3712) 50-46-13, 50-99-13.

Ўзбекистон телерадиокommунисия жамоаси телерадиотелевизионнинг еткази ходими И. Юсуповга оидан
Ҳожинисо апа ЮСУПОВнинг шайхони муносабати билан чуқур таълим изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруни жамоаси Халқ банки бошқаруни раисининг муовини вазирафини ба-жаруни Олим Сайпуловни Норойга ака-си
Олим НОРОЙВИНИ беғасқ шайхони муносабати билан чуқур таълим изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университетининг ректорати ва жамоа ташкилотлари хуқуқий зоотехния кафедраси доирисида
Тўғон ДУСМАТОВнинг беғасқ шайхони муносабати билан оила алоқаларига ва қариндошларига чуқур таълим изҳор этади.

АҚЛИМ ЗУЛФИНГИЗГА БОҒЛАНАР

Масофалар кўш қошдай туташ,
Афсоналар ҳақиқатга эш...
Вақтлар субҳи - сабога ўхшаш,
Лекин қалбда қиш эди-ку, қиш!
Уйғоқ экан ҳамон баҳорлар...
Дилга экиб ўз нафис гулин.
Армонимни чақириб зорлар,
Кўларимга узатар қўлин.
Орзум шундан яна уйғонди,
Ниятимни айлайин ошкор.
Гул экансиз, кўнгил қувонди...
Яна бошлар кўшигин Сайёр.

Жасоратни жамлаб юракка,
Армонимни умидга тугиб,
Меҳрим улаб эзгу тилакка,
Илтифотда қаддимни букиб,
Лол қоламан, қаршингизда лол,
Ақлим зулфингизга боғланар.
Хаёлингиз топтирур иқбол,
Орзуларим кўкка чоғланар.
Юракларим қувонча тўлар,
Гулга тўлсин умр йўлингиз.
Ҳислар тўлқинланар тобора,
Завол кўрманг, омон бўлингиз!
Тилагимни гар этсам баён:

Тақдир кўйсин бизни ёнма-ён

САЙЁР



Гўзал келажакни ҳар томонлама гўзал болалар яратди. Ушбу сўз Жиззах вилоятидаги болалар шифохонаси ходимларининг доимий ҳамроҳидир. Б. Тўраев (УЗА) олган ушбу суратда шифокор Назолат Эгамбердиева болалар билан навбатдаги машғулот ўтказмоқда.

• САВОБ

Чўлпон яна халқ бағрида

Айни кунларда юртимизда буюқ зот ва буюқ шоир Абдулхамид Султон ўғли Чўлпоннинг 100 йиллик таваддули нишонланаётган. Асарлари қайта-қайта чоп этиляпти. Ўз она ватани Андижонда вилоят ва шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Чўлпон боғи ва уй-музейи барпо этилди.

Шоир Тўлан Низом ва режиссёр, халқаро Аҳмад Ясавий мукофоти совриндори Толибхожи Ҳамидхожи ўғли ҳамкорликда буюқ шоирнинг ҳаёт йўлини акс эттирувчи сахна асари яратди. Назаримда Йўлдош Охунбоев номидаги Андижон вилоят мусикали драма ва комедия театрида сахналаштирилган ушбу асарга мусика басталаган машҳур бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Абдулла Қодирий номидаги мукофот соҳиби Мустафо Бафоев ҳамда сахналаштирувчи рассом Владимир Мазидовларнинг ижодий қарашлари, ўй-фикрлари ҳам драматург ва режиссёр мақсадлари билан мужас-

самлашиб кетгандай.

Илк мулоқотимиз «Чўлпон» шеърини драматизациянинг муаллифи шоир, Тўлан Низом билан бўлди:

— Янгиликларим, драматургия жанрига биринчи марта қўл уришингиз бўлса керак? Бунга нима туртки бўлди?
— Телережиссёр Толибхожи Ҳамидхожи ўғли бир кунни уйимга (бундан бир йилча муқаддам) тақлиф билан келди. «Шоир бува, сиз билан кўп йиллар давомидаги ҳамкорликни драматургияда ҳам давом эттирсак?»

Ҳап Чўлпон ҳақида эканлигини билганимдан сўнг юрагимга гулгула туш-

ди. Чўлпон ҳақида кимнинг асар ёзиши келмайди дейсиз. У ҳақда «Учар юлдуз» номли достон ҳам битганман. Хуллас, пьеса ёзишга тушиб кетдим. Тез-тез режиссёр билан учрашиб, фикрлашиб, «жанжаллашиб», бахслашиб турдик. Очигини айтишим керак, сахна технологиясидан сал беҳабар эканман. Анча қийналишга тўғри келди. Бир ёздим, режиссёр қайтарди. Иккинчи марта яна қайтарди, учинчи бор қайта ишлаб борганимда бошқа ёзмаслигини руй-рост айтдим режиссёрга. У жилмайди. Ва шу захоти пьесани ўқишга киришди. Ўқиб тугатган, самимий кулимсираб, «хайрият-э», деди...

Асарни таниқли олимларимиз Озод Шарафидинов ва Наим Каримовларга ўқиб бердим. Улар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирганча, асар қиймега етиб, сахна асари тузилгани рост бўлди шекилли, режиссёр театр жамоаси билан иш бошлаб юборди...

Асар режиссёри Толибхожи Ҳамидхожи ўғли:

• ХАВАС

Кўнгишларда чироқ ёнди

Икки соат ичида ўндан ортиқ келин-куёвнинг никоҳ маросимини кўриш сизгаям насиб этганими?

Бу муболага эмас. Лекин сабаби ҳам бор-да. Кўксарой майдонининг орқа томонида жойлашган Никоҳ уйида вилоятдаги туманлар фуқаролик далолатномаларини ёзиш бўлимининг мудирали урта-сида танлов ўтказилди. Танлов шартига кўра, ҳар бир туманда никоҳни қандай тартибда қайд этиш лавҳалари кўргазмалли равишда намойиш этилди. Фақат булган эмас. Чақалоққа тузилганлик гувоҳномасини топшириш маросими ҳам ҳаётимизда никоҳ тўйи каби оммалашиб бормоқда.

Жума шаҳрининг уч мингичини чақалоқига гувоҳнома топшириш маросимини кўриш ва табиий кўрсатиб берган Гастаргом тумани мудираси Уялой Абдуллаевага голиблик номи берилди. Мудиранинг келинга ўргатган «алла»ларини йиғилганлар ҳам минг-қўнгишларда. Шу тумандан ташриф бўлган она-қизларимиз мукофотнинг соҳибаси Уялой Саидрабевнинг дидора қилиб айтган «ёр-ёрлари, келин саломлари Никоҳ уйига ташриф бўлганларнинг кўнгишларига чироқ ёнди.

Гули ЧЕХРА,
«Халқ сўзи» мухбири.

— Ўзим ҳам қувондим. Спектаклда Чўлпон роли ижроси икки истеъдодли актёрга, яъни Тошкентдан Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқудузов ва Андижон театридан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳодир Маматхоневга топширилди.

— Бастакор куй оҳангига ўз томчи қонини қўшмас экан, ҳақиқий мусика асари бўлиши қийин, — дея сўхбатимизга қўшилиди М. Бафоев. — Чўлпон шеърининг ички мусикий оҳанглари бор. Билишимча, у «Гиря» куйини жуда севар экан. «Йиғлаб ўтириб, тингларди бу куйни Чўлпон», — дейишди уни билганлар. Ишонсизми, Успенский «агар ўлсам, тобутимнинг тепасида «Гиря»ни чалинлар», деган экан. Спектаклга мусика басталашда «Гиря» оҳанглиридан фойдаланишга ҳаракат қилдим.

Сахналаштирувчи рассом В. Мазитов:

— Сезиб турибман, масъулиятли ишга қўл урдим. Чунки бизнинг ёшимиздаги авлод Чўлпон ҳаёти билан, у яшаган давр, муҳит билан камроқ танишмиш. Бунга олишимиз керак. Шунинг учун кўп ўқиб, кўп изланишга тўғри келди. Ҳақиқий бахони томошабинлар айтишар. Бугун ҳар қанча фахр этсак арзийди, буюқ бобоимиз, Туркистоннинг ёрқин юлдузи Чўлпон яна халқ бағрида.

Тўлан ҚЎЗИБОВ.

• ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

ҚАДРСИЗЛАНИШНИ ЖИЛОВЛАШ МАҚСАДИДА

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг (АСЕАН) молия вазирлари Малайзияда учрашув ўтказдилар. Мазкур машваратдан мақсад АСЕАНга аъзо давлатларнинг миллий валюталарининг қадрсизланиши даражасини жиловлашдир. Шу боис молиячилар мамлакатлар ўртасида пул-кредит сибсатида ўзаро ахборот алмашиши ва мувофиқлаштириш юзасидан фикрлашиб олдилар.

Маълумки, шу йилнинг ёзида АСЕАНнинг 3 та давлатида миллий валютанинг қадри кескин тушиб кетиши Лондон ва Гонконг биржасидаги савдоларга Япония, Корея сингари давлатлар молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатди.

ОСОЙИШТА ЗАМИН ҚАЙГУСИ

Европанинг Гаага шаҳрида ер юзида қимматли қуролларни таъқиқ этишга бағишланган йилгиш бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчиларининг ақсарияти сайёрамизни қимматли қуроллардан тозалаш лозимлигини ёқлаб чиқди. Айни пайтатда шу хусусида БМТнинг конвенцияси 105 та давлатда ратификация қилинган.

XXI АСР МУАММОСИ

Япониянинг қадимий пойтахти Киото шаҳрида ер юзи исиб кетишининг олдини олишга бағишланган халқаро конференция ўтказилмоқда. Мазкур учрашув 1992 йилда Рио-де-Жанейрода ўтказилган конференциянинг мантқиқий давомидир. Учрашувда иштирок этган ривожланган давлат делегациялари ер юзининг ифлосланишини 90-йиллар даражасида ушлаб туриш тақлифи билан чиқдилар. Халқаро экологик ташиқлот — «Гринпис» аъзолари айни вақтда сайёрамизда юзага келган экологик вазиятдан ташвиш билдирдилар. Ушбу конференция ўн кун давом этади.

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин расмий ташриф билан Швецияга йўл олди. Ушбу сафардан мақсад Швеция — Россия алоқалари, шу жумладан Болтиқбўйи минтақасидаги мамлакатлар билан сиёсий муносабатларни маълум йўналишга солиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашишидир.

Хорижий матбуот
хабарлари асосида
тайёрланди.



TEXASO

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЮЛДУЗ

ЖАҲОН ДАРАЖАСИДАГИ АВТОМОБИЛЬ МОЙЛАРИ



Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:

Парамент 133-57-34;
Хўш ва қонунийлик 136-07-94;
Иқтисодий 136-36-65;
Маънавий 136-35-60, 132-10-65;
Халқлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, тиббиёт, спорт ва ҳарбий ватан-парварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рунхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г. — 0823, 34.723 нусхада босилди.
Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета ИВМ компьютерида терилди
ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва
Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — И. Худоберова.
Набатчи — Ш. Каримов.
Мусахҳах — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41.
Босишга тошириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6